



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 26 июль, № 148 (4558)

Шанба

Бунёдкорлар шижоати

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир



Ташаббус

Дарҳақиқат, Истиклол берган имкониятлар туфайли элимиз обод, турмушимиз янада фаровон бўлмоқда. Жумладан, кейинги йилларда Наманган вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, бунга амин бўласиз.

Бундоқ қараганда, Наманганнинг Қорақўл қишлоғи билан Андижоннинг Улунори орасидаги масофа у қадар олис эмас, бировни чакирсангиз, эдингиздек. Аммо ўртада дарё бор. Шу боис, борди-келди учун улуда салкам элик чакирим йўл босишга тўғри келади. Бу ерларга кўприк со-

либ, қирғоқларни туташтиришни водийнинг икки вилоятида яшовчилар кўндан бундан орозу қилишарди. Эзгу ташаббус туфайли бу орозу ҳам рўёбга чиқадиган бўлди. Узунлиги уч юз метрга борадиган маҳабатли кўприк учун дастлабки металл қозىқлар қўйла бошланганига ҳали кўп

вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай бош пудратчи — республика кўприк қурилиш трестига қарашли 13-кўприксовхоз отряди бунёдкорлари лойиҳадаги юмушларнинг катта қисмини бажариб қўйдилар. — Хайкириб оқатган сув устида қурилиш олиб боришнинг ўзига яраша мураккаб-

(Давоми 2-бетда).

Фарғонада вилоят фаолларининг жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

НАТИЖА ВА РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Унда асосий эътибор Президент Ислоҳ Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 февралдаги мажлисида сўзлаган маърузасида илгари сурилган вазифалар ижросига қаратилди.

Вилоят ҳокими М. Ғофуров бошқарган йиғилишда йилнинг биринчи ярмида ислотларни амалга оширишда муайян ютуқлар қўлга киритилгани таъкидланди. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми — 4,9 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,9 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 4,4 фоиз, пулли

хизмат кўрсатиш 17,5 фоиз ошди.

Вилоят саноат корхоналарида замонавий технологияларнинг жорий қилиниши, ишлаб чиқариш қувватларининг оширилиши, янги қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши натижасида экспорт салоҳиятининг янада ўсиши таъминланди. Шунингдек, вилоятда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида 34 минг 862 та янги иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-бетда).

ХОЛИСОНА ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД РУҲИДА

Хоразм вилояти фаоллари йиғилиши давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 февралдаги мажлисида сўзлаган маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросига бағишланди.

Вилоят ҳокими О. Оллабергенов бошқарган йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислотларни янада чуқурлаштириш масалалари атрофида муҳокама этилди.

Утган ярим йилликда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,7 фоизга ўсди. Корхоналарни модернизациялаш ишлари изчил давом эттирилаётгани натижасида саноатда ишлаб чиқариш 10,9, халқ истеъмоли моллари бўйича 11,6, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,9 фоизга ошди.

Вилоятда тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига қизиқиши ошаётгани аҳоли бандчилигини таъминлаш ҳамда қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Ҳисобот даврида мазкур соҳада 8 минг 200 дан зиёд янги иш жойи яратилди. 1 минг 300 дан ортиқ қасаначига меҳнат дафтарчаси очилди.

(Давоми 2-бетда).

ҲУКУМАТЛАРАРО БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизнинг дунёдаги энг йирик савдо-молиявий марказлардан бири — Сингапур билан ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланиб бормоқда.

Утган йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ушбу мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи ўзаро манфаатли алоқаларни ҳар томонлама мустақамлаш ва ривожлантириш учун қучли туртки берди. Ушбу тарихий ташриф давомида имзоланган қўлб-қувватлар Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Утган давр мобайнида мамлакатлар ўртасида қатор делегациялар алмашинови бўлиб ўтди. Уларнинг ташрифлари давомида савдо-молиявий, иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳа-

лардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қуни кеча Сингапурда Ўзбекистон билан ушбу мамлакат ўртасида Икки то-

Ҳамкорлик

монлама солиқ тўлашдан қочиб ва даромадларга солиқ тўлашдан бўйин товланишнинг олдини олиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг имзоланиши ўзаро ҳамкорлигимизни фаволжаниб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон делегациясининг сингапурлик ҳамкорлар билан ўтказган музокара-ларида таъкидланганидек, томонлар маз-

кур битимни имзолашга Президент Ислоҳ Каримовнинг Сингапурга амалга оширган ташрифи давомида келишиб олган эди.

Сингапур молия вазири Т. Шанмугаратнам ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ҳусусида гапириб, битим Сингапур сармояларини Ўзбекистон иқтисодиётига янада фаолроқ жалб этишга имкон беришини таъкидлади.

— Ишбилармонларимиз Ўзбекистонда яратилган қўлай сармоявий муҳитдан фойдаланишига ишонамиз. Битим, шунингдек, ўзбекистонлик бизнесменларнинг жануби-шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари бозорларига кириб боришига хизмат қилади, — деди сингапурлик вазири.

«Ҳақон» АА.
Сингапур

ЭЗГУ ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

Мамлакатимизда ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор қаратилаётганда, бу борада бир қатор имтиёزلарнинг мавжудлиги келажагимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётди. Бинобарин, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тавсиясига кўра, акциядорлик тижорат «Ипотека-банк»дан ёш оилалар имтиёзли кредит олаётгани фикримиз далилидир. Хусусан, Хоразм вилоятида ҳозиргача 28 та ёш оилага 5 фоззли имтиёзли «Ёш оила» ипотека кредитлари ажратилди.

— Вилоятимизда 30 ёшгача бўлган 80 минг нафардан зиёд ёш оила мавжуд, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раисининг ўринбосари Анвар Худоев. — Шулардан 1500 нафарга яқин ёшнинг уй-жойга эҳтиёжи бор. Вилоят бўйича шундай оила

соҳибларидан 690 тадан ортиқ ариза қабул қилинди. Ишчи гуруҳ, яъни вилоят комиссияси

«Фармон ва ижро» миссияси томонидан кредит олиш талаблари ҳамда оилаларнинг моддий аҳоли ўрганиб чиқил-гач, мазкур имтиёзли кредитдан фойдаланиш мак-

садида мурожаат қилган ёш оилаларга тавсиянома берилади. Тавсиянома ол-ганларнинг

мурожаатлари банк томонидан тегишли тартибда қаноатлантирилади. Юртобшомизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 2007 йил 18 майдаги Фармони асосида имтиёзли кредит имкониятларидан оқилона фойдаланаётганлардан бири — икки нафар фарзанднинг отаси, хивалик Хурмат Юсуповдир.

— Банкдан олган ўн миллион сумлик кредит ҳисобига ўз уйимизга эга бўлдик, — дейди у. — Ўз уйингда бамайлихотир, фаровон ва осойишта яшашга нима етсин?!

(Давоми 2-бетда).

Нухус шаҳридаги Мустақиллик майдони таъмирланмоқда. Бунёдкорлик ишлари учун банкдан 4 миллиард сумлик кредит ажратилган.

Нухус чирой очмоқда

— Мазкур майдоннинг ҳудуди 6,5 гектарни ташкил этади. — дейди шаҳар ҳокимияти қошидаги бош майдонни реконструкциялаш ва ободонлаштириш бўйича қурилиш дирекцияси раҳбари Уролбой Нуридметов. — Шунинг 4 гектари кўчаларга таъинланди. Бердақ бобоми-нинг хайкали ўрнатилмаган жой таварак-атрофларида фаворалар, хиёбонлар барпо этилади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНМОҚДА

Бир рақам шарҳи

2008 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **40,2** фоизга ўсди.

Тадбиркорлар ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётгани, хусусан, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши, солиқ юкининг пасайтирилиши ва фаолиятининг эркинлаштирилиши туфайли кичик бизнес тобора ривожланиб, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам ошиб бормоқда.

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Сайидо Насафий номидаги Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона марказида «Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини рўйбга чиқаришнинг қонуний кафолатлари ва амалиёт» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва қонунчилик

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали ташкил этган бу мулоқотда ҳуқуқ-тартибот идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фермер хўжаликлари вакиллари қатнашдилар.

Суҳбат иштирокчилари мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилгани алоҳида таъкидландилар. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича қабул қилинган қатор қонунлар ҳам шундан далолат бериб турибди. Улим жаосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани, яраштирув институти жорий этилгани ана шулар жумласидандир. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва фермерлиқни ривожлантиришга қаратилган барча ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий мазмуни ишлаб чиқариш билан банд бўлган фуқаролар муҳофазаси ва иқтисодиётнинг жадал ривожланишига хизмат қилаётганини мулоқот давомида бот-бот қайд этилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ишбилармон Александр Аҳмедовнинг пойтахтимиздаги «Ўзэкспо» марказида ташкил этилган ярмаркага ташрифи энг чекка туман саналган Олота «Мазза» деб аталган кичик корхонанинг очилишига сабаб бўлди.

Интиланганга толе ёр

Александрга Россия — Италия қўшма корхонаси томонидан тайёрланган мақорон ишлаб чиқариш ускунаси маъқул тушди. Россиялик ҳамкорлар билан шартнома тузган йилгитта «Туронбанк»нинг Олот бўлими 30 миллион сум миқдорда кредит ажратди. Соатига 150 килограмм мақорони 4-5 хил кўринишда ишлаб чиқараётган кичик корхона маҳсулотлари ўз сифати билан икки бозорда ўрнини топди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида «Биз тинчликсевар юрт фарзандларимиз» шиори остида ёшлар акцияси ўтказилмоқда.

Тинчликсевар юрт фарзандлари

Ёш таътилда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишига қўмақлашиши, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, навқирон авлодни она-Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадига «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида ташкил этилган акцияда мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар иштирок этаётди.

Тадбир доирасида Сирдарё туманида иқтидорли хаваскор мусаввирлар — Фарзона Отахонова, Феруз Жумаев, Ҳилола Тилибова ва бошқаларнинг иштирокида маданият ва истироҳат боғида қизиқarli, театрлаштирилган концерт дастурлари ёшларга бир олам қувонч бахш этди. Тадбир иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Бувайда туманида кўркам ва замонавий табибий коллежи биноси қуриб битказилди.

Кўркам, шинам, замонавий

Қурилиш ишларини «КМК-103» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари амалга оширдилар. Уч қаватли ўқув биноси, ёпиқ спорт зали ҳамда майдончалари, 50 ўринли ётоқхонага эга маскан замонавий жиҳозлар билан тўла таъминланди.

М. САРИМСОҚОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ИБРОЙИМ ЮСУПОВ

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудолуқ учради. Шу йил 24 июль кун...



Ибройим Юсупов 1929 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида туғилди.

У каерда ишласин, ўзининг ташкилотчилиги, билим ва тажрибаси билан эл-юрт ҳурмат-эътиборини қозонди.

Ибройим Юсупов 60 йилдан ортиқ фаол ижод қилди. Унинг дастлабки шеърлари 1946 йилда республика марказий нашрларида чоп этилди.

Атоқли адиб бадий таржима соҳасида ҳам самарали меҳнат қилди. У Алишер Навоий, Шекспир, Гёте, Байрон, Пушкин, Махтумқули, Шевченко, Самад Вурғун, Фафур Фулом каби шоирларнинг асарларини қорақалпоқ тилига юксак маҳорат билан таржима қилиб, ўзига хос ижодий мактаб яратди.

Ибройим Юсуповнинг адабий ва ижтимоий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳола олини, у "Ўзбекистон Қаҳрамони", "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвонлари, "Эл-юрт ҳурмати", "Дўстлик" орденлари билан тақдирланган эди.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқининг ардоқли шоири, ажойиб инсон, садоқатли дўст, меҳрибон устоз Ибройим Юсуповнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЕВ, М. ЕРНИЯЗОВ, Х. СУЛТОНОВ, А. ОРИПОВ, Т. ҚАЙИПБЕРГЕНОВ

Истиқлол йилларидаги янгиланишлар мамлакат ёшлари тарбиясида тобора ў самарасини кўрсатмоқда. Улар юрт шавъи шавкати йўлида коллежларда касб-хунар ўрганиб, мустақил ҳаётга қадам қўйдилар.

КЕЧАГИ ЎҚУВЧИ БУГУНГИ ЯРАТУВЧИ

Минг-минглаб йигит-қизлар коллеждан тўғри ишлаб чиқаришга йўл олмақдалар. Президентимиз Вазирилари Маҳмаднинг шу йил 18 июлдаги мажлисида айтилган масала хусусида алоҳида тўхталдиларки, бу ҳеч бичимизни бефарқ қолдирмайди.

Зеро, таълимнинг ўрта бунинидаги ислохотлар минглаб иқтидор эгаларини кашф этмоқда. Илдар Яҳёев ҳам ана шундай ёшларимиздан. У уч йил мобайнида металлургия ишлов бериш йўналиши бўйича ўқиб, токарлик, фрезерчилик, пармаловчи ва сонли дастурларни бошқарувчи оператор хунарларини пухта эгаллади.

Илдар ўқиш жараёни билан амалиёт ишларини Самарқанд геология-разведка партиясининг Зарафшондаги бўлимида ўтказди. Ёш мутахассис Навоий индустриал-иқтисодий коллежини битиргани захоти уни шу корхонага ишга таклиф қилишди...

Айни пайтда, ўқув масканимиз 20 та йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан маҳалла кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилмоқда. Мисол тариқасида коллеж битирувчилари «Қўзғилқуммент» ОАЖ, «Навоий-30Т» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Навоийдонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти каби йирик саноат базаларида ўқув-ишлаб

чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташгани айтиш мумкин. Таълимда корхоналар томонидан «Устоз-шогирд» тизимини қўллашнинг асоси эса ёшларда ўз мутахассисликлари бўйича амалий кўникмаларини шакллантиришда мумин омил бўлди.

Дил сўзи



Бундай самарали ҳамкорлик, албатта, ўз натижасини бермоқда. Жорий йилда коллежининг 334 нафар битирувчиси 12 та йўналиш бўйича мутахассисликни эгалладилар. Пировадда, уч томонлама шериклик шартномаларига асосан 62 нафар, бўш иш ўринлари ярмаркаси орқали 61 нафар, ота-оналарнинг истак ва

хоҳишлари билан 124 нафар йигит-қиз ишга жойлашди. 47 нафар ўқувчи олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳужжатларини топширишди. Бу эса бити-

рувчиларнинг юз фоизлик бандлик даражасини кўрсатади.

Мамлакатимизнинг йирик индустрия марказларидан бири бўлган Навоий вилояти меҳнат ахли ўзининг истиқболли ёшлари билан фахрланади. Бу ёшлар ишлаб чиқаришнинг ҳамма жабҳаларида ўзларини кўрсатиб келмоқдалар. Жорий йил умуман шаҳардаги коллежларни 7717 на-

фар ёш мутахассис битириб чиқди. Улардан 6627 нафари Қўзғилқум кенгликларининг ҳақиқий меҳнатқашларига айландилар.

Айни пайтда яратилган янги иш ўринларига 2137 киши, мавжуд бўш ўринларга 2999 нафар ёш, қўвдаланган иш ўринларига 1491 нафар ёш ишчилар қабул қилинадилар. Навоий ва Учқудуқ шаҳарларидаги кончилик, Зарафшондаги саноат коллежларини битирган 747 ўқувчи эса Навоий кон-металлургия комбинатининг улкан корхоналарида ўз фаолиятларини бошлайдилар.

Энг муҳими, кечаги ўқувчи бугун бунёдкор, яратувчи, юрт ишига фидойи шахсга айланмоқда. Бу ёшларимизга кўрсатилаётган раҳм-раҳимлик амалдаги исботи тариқасида ҳаётимиз мазмунига айланб улгурди. Энди айтинг, янги таълимнинг бундай самараларидан фахрланмай бўладими?!

Исмоил ОРИҚОВ, Навоий индустриал-иқтисодий коллежи директори.

ЖАҲОН

24 соат ичида



«Қора олтин» арзонлашмоқда

Нихоят, нефть маҳсулотлари харидорлари бир оз энгил тин оладианга ўхшайди.

23 июль санасида ўтказилган савдоларда нефть нархи сезиларли даражада арзонлашгани кузатилди. «K2kapital» ахборот агентлигининг хабар беришича, Американин «WPI» тамғали

«қора олтин»нинг бир баррели (етказиб бериш билан бирга) 124,44 АҚШ долларидан сотилган. Европанин «Brent» маркали нефтига эса 125,29 АҚШ долларидан ҳақ олинган.

Бино қулаб тушди

Хитойнинг шимоли-ғарбдаги Цинхай музофотида кўнгилсиз воқеа содир бўлди.

«Синьхуа» ахборот агентлиги хабарида айтилишича, ҳудудда янги қурилаётган бино қулаб тушди. Мутахассислар фикрича, бино қулашига қўшни Сичуань ва Шанси музофотларида юз берган ер силкинишлари сабаб бўлган.

Ҳужум оқибатида қамида саккиз нафар киши ҳалок бўлган. Қўрқуричиларнинг таъкидлашича, қўрбонлар сони яна ошгани мумкин.

Ресторан сотиб олди

Англиянинг «Челси» футбол клуби раҳбари Роман Абрамович Италия пойтахти Рим марказида ресторан сотиб олди.

Италия оммавий ахборот воситалари хабарларида келтирилишича, қирқ ўнлик ресторанни харид қилиш Абрамовичга 3,5 миллион еврога тушган.

Маълумотларга кўра, «Julian cafe» номли ресторанни Абрамович булажа турмуш ўртоғига совға қилмоқчи.

Довул келтирган зарар

Техас жанубидаги Рио Гранде водийсида рўй берган «Долли» тропик тўғони катта вайронгарчиликларни келтириб чиқарди.

Минглаб гектар ердаги қиллоқ ҳўжалиги экинлари сув остида қолиб кетган.

«Ассошиэйтед пресс» агентлиги хабарида айтилишича, тўғон Техас иқтисодиётига 750 миллион доллардан зиёд зарар етказди.



Носозлик оқибати

Москва шаҳрининг шарқий қисмидаги кўчалардан бирида электр тармоғидаги носозлик оқибатида саккизта автомобиль сақлаш жойи ёниб кетган. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг шаҳар бошқармаси матбуот хизмати тарқатган маълумотда келтирилишича, ёнғин оқибатида бешта машинанин қули қўққа созурилган.

Ёнғин электр тармоғидаги носозлик тўғайли юзга келган.

Даромад ошмоқда



Жанубий Кореянинг «LG Electronics Inc.» компанияси иккинчи чорақ якуллари бўйича ҳисобатини эълон қилди.

Унга кўра, компаниянинг 2008 йил II чорағида соф даромади 84 фоизга кўтарилиб, 706,9 миллиард вон (698 миллион АҚШ доллари)га етди. Эслатиб ўтамиз, компаниянинг биринчи чорақдаги соф даромади

422 миллиард вон (428 миллион АҚШ доллари)ни ташкил этганди. Бугунги кунда «LG» компаниясининг қимматбаҳо мобил телефонлари дунё бозорида тобора ўз ўрнини топиб бормоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали Шофиркон туманидаги «Шофиркон пилла» ёпиқ акциядорлик жамияти тугатиш бошқарувчиси билан ҳамкорликда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Бухоро вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 5 июлдаги 20-0708/4021-сонли хал қилув қарорига асосан, банкрот деб топилган, «Шофиркон пилла» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти кредиторлар кўмитасининг 2008 йил 17 июлдаги 7/3-сонли йиғилиши баъни қарори ҳамда «Шофиркон пилла» ёпиқ акциядорлик жамияти тугатиш бошқарувчиси томонидан 2008 йил 18 июлдаги 64-сонли буюртма хатига асосан, Шофиркон тумани, С. Амонова кўчаси, 5-уйда жойлашган «Шофиркон пилла» ёпиқ акциядорлик жамиятига қарашли мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 368 866 300 сўм.

Очик аукцион савдосига чиқарилган мол-мулклар мажмуаси кўйидаги шартлар асосида сотилади:

- асосий фаолият, яъни пиллани қабул қилиш ва қайта ишлашни ташкил этган ҳолда, фаолиятини сақлаб қолиш;
• мулкий мажмуадаги мол-мулклар талон-торож қилинмасдан, аксинча реконструкция қилиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, замон талабларига мос равишда ривожлантириш;
• мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратиш;
• корхонани технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида қўшимча сармоа киритиш;
• сотиб олинган мулк учун тўловларни бир ой муддатда амалга ошириш.

Аукцион савдоси 2008 йил 28 август кунин соат 11.00 да ўтказилади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Бухоро вилояти филиалининг кўйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000900571452052, АТИБ «Ипотекабанк» «Сардор» филиали, МФО 00119, ИНН 200933850, ОКОНХ 83300.

Кўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй. Телефонлар: (8-365) 223-71-30, 223-71-36. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz.

Лицензия: DB 001 № 000004.

Интилиш

Самарқанддаги «Эл» очик турдаги акциядорлик жамияти вилоят ўрта-маҳсул, касб-хунар таълими муассасаларини ўқув лаборатория жиҳозлари, спорт анжомлари ва мебель билан тўлиқ таъминлаб келади.

Буюртмачилар кўпаймоқда

Айни пайтда бу ерда 500 турдаги жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда.

Янги қурилган коллежлар ва лицейларга 20-23 миллион сўмлик лаборатория жиҳозларининг бир йўла етказиб берилиши буюртмачиларга маъқул бўлмоқда. Янги ўқув йилидан вилоятнинг турли ҳудудларига фаолият бошлайдиган 19 та касб-хуна ва таълим муассасаси ҳозирданок корхонанинг замонавий, икчам ва қулай жиҳозларига эга бўлди.

Абдусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Жиноят процессуал кодексининг 503-моддасига мувофиқ, қассия шикоят(протести) қайтариб олиниши, шунингдек, унинг вахлари ўзгартирилиши мумкин. Қассия шикоят(протести)нинг қайтариб олиниши, агар иш бўйича бошқа процесс иштирокчилари томонидан берилган қассия шикоят(протести) бўлмаса, қассия тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келади. Қарорнинг 5-бандида бу масалада берил-

да, унинг суд мажлисида қатнашиш чоралари қўрилиши лозимлиги кайд этилган. — Пленум «Жиноят ишларини назорат тартибида кўришга доир амалиёт тўғрисида» ҳам қарор қабул қилди. Бу тартибда қандай амалиётда қандай янгилликлар бор? — Айтиш кераки Олий суд Пленуми қароридан назорат тартибида иш юритиш апелляция ва қассия тартибидан кес-

шириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра, ҳуқуқий баҳо бериши мумкин. Жазо масаласи ҳар қандай инстанциядаги каби назорат инстанцияси учун ҳам ўта жиддий масала бўлбанади. Лекин назорат босқичининг ўзига хос жиҳатлардан бири шундаки, бу инстанцияда баъзан ишлар ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб, ҳатто, йиллар оша кўриб чиқиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтларда бир неча жиноятларнинг содир этилиши тергов ва суд амалиётида кўп уч-

ёки миқдорини ўзгартириш орқали хал қилиниб келинмоқда эди. Ушбу масалада келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўйилишининг олдини олиш, республика бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида бир неча жиноятларнинг ҳар учала кўрилиши билан боғлиқ масалаларни қамраб олувчи ягона пленум қарори қабул қилиш мақсада мувофиқ, деб топилди.

Қабул қилинган Пленум қарорида айтиб ўтганимиздек, жиноятлар тақрирларини, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятларга батафсил тушунтириш берилган.

Бундан ташқари, рецидив жиноят ҳақида тўхталадиган бўлса, рецидив жиноят юқори ижтимоий хавфлиликка эга бўлиб, унинг хавфлилиги шундан иборатки, шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун судланганидан кейин тузалаш йўлига кирмай, яна қасдан янги жиноят содир этади.

Шунингдек, қарорда Жиноят кодекси 34-моддаси учинчи қисмини қўллашда озолидиган маҳрум қилиш жазосига судланган шахс деганда, қиллар тушунилиши кераклиги, бунда ҳўкм ижро қаратилганининг, шу жумладан шахс илгари тайинланган, жазони ўтамаганлигининг аҳамияти йўқлиги баён этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида қабул қилинган қарорлар амалиётда вужудга келадиган муаммоларни ечишга, шунингдек, инсон ҳўқуқларини ҳимоя қилишга, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

— Маъмулуи субхатингиз учун ташаккур. Эсирган БОЛИЕВ сўхбатлашди.

— ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ган тушунтиришда, агар шикоят (протест) қассия инстанция суди мажлиси бошлангунга қадар қайтариб олинган бўлса, у шикоят (протест) берган шахсга хат орқали қайтарилиши, бошқа ҳолларда эса манфатлари шикоят (протест)да тегилаётган шахсга нисбатан қассия тартибида иш юритиш тугатилиши ва бу ҳақда баённомада акс эттирилганидан акрим чиқариш лозимлиги баён этилган.

— Бундан ташқари, Пленум «Бир неча жиноят содир этилганда қилишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида» ҳам қарор қабул қилди. Ахир рецидив жиноят ҳақидаги масала қонунчилигимизга ёт нарса эмас-ку? Бу ҳақдаги қарор қабул қилинишига қандай ҳолат тугилди? — Пленум муҳоамасига айнан «Бир неча жиноят содир этилганда қилишни тўғри квалификация қилиш тўғрисидаги» масаланин қиритилиши беҳоз эмас. Негаки бу қарор амалиётда йиллар давомида ўз ечимини топмай келаётган қалқашликларни бартарф этишга қаратилган.

Жиноий қилишни квалификация қилиш тўғрисида сўз бора экан, аввало, «бир неча жиноят» тушуниши ҳақида тўхталиб ўтишни лозим, деб ўйлайман. Жиноят кодексининг «бир қанча жиноят» деб аталган саккизинчи боби аслида

Республика Кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиали

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига кўйидаги мулк кўйилмоқда: Андижон вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 20 февралдаги 17-0711-236-сонли ижро варақасига асосан, Қўрғонтепа тумани СИБ томонидан савдога кўйилган, Қўрғонтепа тумани, Қорасув шаҳри, А. Тешабоев кўчаси, 23-уйда жойлашган «39-автокорхона» МЧЖга қарашли А-литердаги таъмирталб маъмурий бино, қурилиш майдони — 293,50 кв. м. Бошланғич баҳоси — 52 830 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 2 сентябрь кунин соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳжўчаси, 30-уйда ўтказилади.

Оқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан Қўрғонтепа тумани СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86. Лицензия: DB 001 № 000004.


ООО «Росагропромснаб» предлагаєт: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: Ташкент, Чиланзар, кв.п.6, д.2 (Фур-метро «М.Улугбек») Товар сертифицирован. Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

Спорт Sport Спорт
Осиё полвонлари
Тошкентда беллашмоқда

Пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида эркин, юн-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича қадетлар ўртасидаги Осиё чемпионати бошланди.



27 июлгача давом этадиган нуфузли мусобақада хамюртларимиздан ташқари, Эрон, Япония, Жанубий Корея, Қозғоғистон, Қирғизистон каби қитъанин ундан ортқ мамлакатидан келган 300 нафарга яқин ёш полвонлар голиблик учун баҳс юритмоқда.

Яна битта йўлланма

Ўзбекистонлик спортчиларнинг Пекинда бўладиган XXIX ёзи Олимпиада уйинларида иштирок этиш хукуқини берувчи йўлланмалари сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, Беларусда спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнирнинг брусда машқ баҳасида кўрдошимиз Луиза Галулиева олтин медални қўлга киритиб, Олимпиада йўлланмаси соҳибига айланган.

Шундай қилиб, ҳозиргача хамюртларимиз ҳисобидаги Олимпиада йўлланмалари сони 58 тага етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Бизнинг тарихимиз, ўтмишдаги кечмишларнинг яққол ифодачиси, шубҳасиз, архивлардир. Қувончлиси, мустақиллик даврида мамлакатимизда бу тизимга жиддий эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишлари бошқаришини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган ана шу фикрнинг исботидир.

Мазкур Қонун ва қарор ижросини таъминлаш борасида вилоятимизда анчайин салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Масалан, ўтган йиллар мобайнида барча архивларимизда ҳужжатларни таъмирлаш, муқовалаш ва қайта тиклаш борасида ижобий силжишга эришилди. Шунингдек, жойларда янги архивлар ташкил этилди. Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва сақлов бирлигини кўнгилдагидек йўлга қўйиш борасида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.

Ҳужжатлардан фойдаланиш

Бухоролик уста Шокир Камоловнинг фарзанди Шавқиддин отабоболари изидан бориб, темирчилик касби сирларини ўрганмоқда. У яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтиди.

АРХИВЛАР — ТАРИХ КЎЗГҮСИ

ва уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш — муҳим вазифаларимиздан бири. Ўтган йили архивимизда илк бор ҳужжатларнинг электрон нусхаси яратилгани қониқиш билан қарши олинди. Бу тажриба республикамизнинг барча архивларида ўрганилаётгани бизни ўз устимизда янада жиддий ишлашга ундамоқда.

Айтиш керакки, вилоят давлат архиви ва унинг филиалларида моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда уни ри-

вожлантириш борасидаги саъий-ҳаракатлар ҳам кўнгилдагидек. Уларда интернет тармоғига уланиш айнан ҳуж-

Қарор ва ижро

жатларнинг электрон нусхасини яратишга хизмат қилаяпти. Архив ишлари ривожлантириш мақсадида янги технологияларни жорий этиш борасида ҳам вилоятда ижобий ишлар қилинмоқда.

Жумладан, 2007 йилда вилоят давлат архивларида ҳужжатларни қидириб топишнинг махсус дастури ишлаб чиқилди ва бугунги кунда улар асосида ҳужжатларни қидириб топиш ишлари олиб борилмоқда.

5 та идораларо ҳўжалик ҳисобидидаги шахсий таркиб ҳўжатлари архиви очилди. Бугунги кун-

Масаллар

да вилоятда 7 та давлат архиви ва 12 та идораларо ҳўжалик ҳисобидидаги шахсий таркиб ҳўжатлари архивлари аҳоли ва ташкилотларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Аслида архив ҳаммага керак. Негаки, у халқ мулки, бутун тарихимиз кўзгуси. Самарқандлик архивчилар бунни яхши билишади. Шу боис ҳам улар давр талаблари даражасида ўз ишларини ташкил этиш борасида бор имкониятлардан фойдаланишмоқда.

Абдалим МАМАТОВ, Самарқанд вилоят давлат архиви бошқармаси бошлиғи.



Лочин билан хўроз

Лочин эгасининг қўлига ўрганган эди. Чорлаган заҳоти лип этиб учиб келардию, унинг елкасига ё билгаиға қўнарди. Хўроз бўлса доим уйдагилардан қонгани қонган. Дон-дун сепиб қақирмасанг, ёнингга йўламайди.

Кичкина деманг, бизни!

Ўрмондаги бир дарахт соясида шер уқлаб ётарди. Сичқон унинг устига чиқиб уйнай бошлади. Шу пайт шер уйғониб кетиб, сичқонни тутиб олди.

Саъдулла СИЁЕВ.

Исмиим Жўрақул. Отамнинг исми Калон. Ҳозир 86 ёшдаман. Зотимизни Эрсари авлод дейдилар. Хийла танбал, хийла қайсар, лекин орятли одамларимиз. Зулматни сим-сиёҳ қилган инқилобдан олдинги йилларда бобомизнинг бирови Кўлтўсин отфобурисини ер қилиб эгаллаган. Бобомизга эргашиб Нуротадан ҳам одамлар келиб, бу жойдан уй қилиб, эл бўлади. Бобомизга Худой қиз тирноқ берибди, ўғил тирноқ бермабди. Кунларнинг бирида айдоқ ерлик йигит келиб бобомизга кўп хушомад қилиб, энди мен сизнинг тутинган ўғлингиз бўлай, бир-биримизга суянишиб юрайлик, дебди. Бу гап чолга ёқибди. Эй, кел, ўғил бўлса ўғил-да, ўзиям хушсурат бола экан, деб кўнипти.

ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Игит миниб юрган отини чолга ҳада қилпти. Чол кўявер энди, менинг юзлаб от, байталларим ўтлаб юрипти, бунни нима қиламан, деб унаматпти. Игит кўяра-қўймай, бу менинг чин ўғиллик белгим бўлсин, чунки бор бойлигим шу, холос. Йўқ деманг, депти. Бобомиз бу гапдан хурсанд бўпти. Ҳадяни олпти. Энди ота-ўғил бўлдиқ, ўғил ҳада қилса ота қараб турама, кел, мен ҳам сенни бир чарса билан сийлайин, сўра, отадаги қўй-қўзимни, от, тўя, мол, нимамдан берай, депти.

Игит йўлаб ўтирмай, манов кўрниниб турган қирлар ичини, кўл-пўларини сенни деб қўйсангиз бўлди, ўғил шунга хурсанд бўлади-да, депти. Чол ўйлаб ўтирмай, ол, ана, шу мулк сенни, депти. Игитга уйингдан рози-ризалик олиб кел, деб эгар-жабдуқ қўйиб, бир отга миндирибди. Игит отта миниб, йўлга чиқибди-ю, тагин қайтиб келпти.

Чол қавмдошларининг хайлашганига қарамай бир эълик вақтимда ёзиб боланинг қўлига тўзқазиб юборибди.

— Энди бола оттиридин деб хурсанд бўлмайсиз, сиз учун бола эмас, бир бало бўлади бу, — депти оқсоқоллар.

— Нима бўлгандаям у менга ўғил фарзанд бўлди, қаёққаям борарди, мулка қилса мени боқадиди-да, — дебди бобомиз.

Шундай қилиб оқсоқоллар ўпкалашиб турса, бобқош йигит ўзининг қишлоғига эмас, Митанга қараб от қўйиб, қирдан ошиб кетаётганини кўриб қолшибди.

— Энди ўлдинг, бой, — дебди бир кекса, — бу боланинг нияти бузуқ, шу кетишида у аниқ Каттакўрғонга боради. Ваксинани муҳратиб олиб, қайтиб бизни қишлоқдан қувиб чиқди.

Бобомиз бошини чангаллабди. — Одамдан чиққан шайтон дегани шу экан-да, орқасидан қувиб етинлар, — дебди. Игит шу кетишида Иштихонга бориб етибди. Булар...

Ортимизда хушманзара, дилтортар масканлар кўп. Шулардан бири Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган Зомин миллий боғидир. Тоза ҳавоси, зилол суви, майин иклими билан барчани ўз бағрига қорлайди. Бу ерда ёз фасли авжида барқ ураётган ўт-ўланларнинг димоғингизга гуп этиб урилган ҳиди баҳри-дилигизни очади.

ТАБИАТИ ХУШМАНЗАРА, ҲАВОСИ ШИФОБАХШ

Баланд тоғлардаги тошларга урилиб тушиб келаётган тиниқ сувнинг бир зайл шарқираши асабларингизни тинчлантиради. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида одамлар таллинувчи «Зомин» санаторийи шу тоғларнинг энг баҳаво баландлигида бунёд этилган. Бу масканда беморларнинг дамқисми, бронхит каби хасталиқлардан даволанишлари учун шароитлар яратилган. Энг шифобахши — тоғнинг мусоффо ҳавоси бўлса, иккинчиси шифокорларнинг ширин сўзларидир. Тиббиётчилар бу ердаги ҳаётни ифодали қилиб, бир кеча-кўнунда 24 соат ингалция мулоҳазасини олиш мумкин, дейишади.

Санаторийдан ташқари бу тоғлар бағрида «Урикли сой», «Зилола», «Ҳалол», «Бухорои шариф» деб номланган турли идора ва муассасаларга қарашли пансионат ҳамда оромгоҳлар жойлашган. Шу гўшалар ҳам ёзининг жазирани кунларида дам олувчилар билан гавжу.

Манов, ўн икки йилдан буюн, «Зомин мактаби» машғулотиари бу ерда ўтказилиб келинмоқда. Кўнгида июд илтиёки жўш урган ёш қаламашлар вакиллари бу йил ҳам Зомин бағрига ташриф буюришди. Янги асарлар муҳомаза этилди, ўзаро фикр алмашилди.

Хордик

Зоминнинг нафақат соя-салқун гўшалари, балки қўеши ҳам танга ёқумлидир. Ҳозиргина сув мулоҳазаси олган одамлар ёз авжида ҳам одбтоб тигида ўтиришади. Бу ерда қўеши танангизга хуш ёқди.

Аммо дам олувчилар учун яратилган шароитнинг яна ҳам бекам култигини таъминлаш борасида қилинадиган ишлар бор. Жумладан, бу масканда юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан телефон алоқасини тўлсанна йўлга қўйиш айни мудоао бўлур

Advertisement for NURON computers and servers. Includes text: 'Успех-дело техники!', 'FUJITSU COMPUTERS SIEMENS', 'NURON', 'Всемирная гарантия 3 года', 'Серверы и компьютеры для решения любых задач', 'Производительность', 'Сделано в Германии', 'Товар сертифицирован'.

«Ўзбекино» эстрада биллашмаси ва Эстрада саънати ривожлантириш жағмараси жамоалари Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, эл суйган санъаткор Ҳужабой ТОЖИБОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чухур ҳамдарлик билдиради.

Алексей КАМШНИКОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдарлик билдиради.

Жаҳонгашта ҳунарманд

— АКШнинг Нью-Мексика штатидаги Санта-Фе шаҳрида дунё ҳунармандларининг анъанавий «Sholk art» халқаро кўргазмасида иштирок этдим, — дейди у. — Унда жаҳоннинг 26 та давлатидан турли ҳунар соҳиблари қатнашди. Бу нуфузли анжуманда мустақил дебёришимдан энг кўп ҳунарманд иштирок қилгани

кўнгида фахр-ифтихор ҳиссини уйғотди. Биргина Бухородан гиламдўзу каштаци, зардўз, хуллас 15 нафар халқ амалии санъати устаси ўз махсулотлари билан қатнашди. Халқаро кўргазмада Шавқиддин тайёролған энг саккиз хилдаги қўш тасвири тўширилган қайчилик кўпчилик

эътиборини ўзига тортди. Шу ўринда ҳунарманднинг янгиликка қўлигини, ўрганишга бўлган иштиёқи зўрлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сал аввалроқ Германияда темирчи усталар халқаро анжуманида иштирок этган ва фурсатини бой бермай немис ҳунарманди Хан Аҳим

Шварцдан қадимий Дамашқ пичоқлари ясаш технологиясини ўрганганди. Улардан бир нечтаси АКШдаги кўргазмада намойиш этилди. «Sholk art» ташкилотлари ёш ҳунармандни 2009 йилда ўтадиган кўргазмага ҳам таклиф қилдилар.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

га чиққан эдим, отангни миршаблардан бирови отиб қўйди, кўрмал қолдим, — деди.

— Ие, — дедим. Отини айтиб: — Фалончи ака, Қўшработдан Оқманитгача қанча йўл — эълик беш-олтмиш қақирим чиқар-ов. Отингиз Қўшработда ловловламатпи, Ҳасанбобо, Эски Қўшработ, Жўш — ҳеч қаерда уйнамай, чарчаб, қол-

ганда — Оқманитга келиб ловловламатпи? — Эй, Калоннинг ўғли, ўшанда ёш эдинг, сенда интиқом олиш чўтинг қўли эди, бўйинимга олмаб эдим. Қани айт, сен Калоннинг ўғли бўлиб нима жабр кўрддинг? — Ҳарб кўрмадим, қайтанга ҳурмат кўрдим. Қаерга борсам, мулла Калоннинг ўғли экансан, деб турга ўтказишди. Уқидим, уйландим, бола-чақали бўлдим. Ишляялман. Хурматим зиёда, — дедим.

— Ана, кўрддингми? Мулла Калоннинг сенга зарари тегмадими — сенинг ҳам унга зараринг тегмасин.

Шу гап бўлди-ю мен ҳам ортиқ ўсмоқчиладим. Қолаверса, бу баланднинг ҳам бир бегучоғини отиб ташлашга қўли бормагани аниқ, бу бўлмаса, бошқаси отар эди. Бор ҳақиқат шу. Уни айлаб ёзириш — шомолга қараб қўшиқ айтгандай гап.

Не бўлганда ҳам қолган умримда ҳалол ишладим. Ветврач бўлдим. Нурота тарафларда молдўхтир Калонов деса ҳануз барча биледи. «Калонов» фамилияли одамлар юзга яинлашди. Улар менинг Оллоҳ ато этган фарзандларим, невараларим, чевараларимдир. Уғилларим Нуриддин ва Аслидин юртта танилган рассом, Бадиий академия аъзолари. Қолганларининг ҳам турмушлари чақки эмас. Мустақилликдан ўргилгай, ҳозир нафақам юз эллик мингга боради. Юрт обод, ҳаёт гўзал, турмуш фаровон.

Фарзанд, невараларимни йўқлаб Нуротадан Самарқанд, Жомбой, Гулистон, Чиноз, сўнг Тошкентга йўлга чиқсам ўн кун ҳам қамлик қилади, уларнинг дийдорига тўйишга. Бир яшаргандай, оёқларимга ҳам қувват ингандай бўламан. Яна «Регистон» пөвзидга ўтириб Самарқандга шошаман. У ердаги болаларим Нуротага кузатиб қўйишади. Нуротага етганимча бир қанча дўсту уфлатларим соғиниб туришади.

— Шу-да умр, шу-да ҳаётнинг завқу сафоси! Э, мулла Калоннинг бола-син-ейи.. Собир УНАР.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 Нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. -Тижорат материалли

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолатова. Навбатчи — С. Ҳайдаров. Мусаҳҳах — Ҳ. Тошқўжаев. «Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.50. Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5 6 8